Қурилиш вазирининг
2021 йил 28 апрелдаги 96-сонли
буйруғига илова

**ШНҚ 2.05.02-07* “Автомобиль йўллари”га 4-сон Ўзгартириш**

1.10. бандининг иккинчи хатбошини қуйидаги матн таҳририда тўлдирилсин:

“Шунингдек, умумий фойдаланишдаги ҳалқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга тааллуқли бўлмаган бошқа бино ва иншоотларни қурилиш чегарасигача бўлган масофа йўл ўқидан хар томонга (чап ва ўнг) 57,5 метрдан кам бўлмаслиги керак.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QURILISH VAZIRLIGI

МИНИСТЕРСТВО СТРОИТЕЛЬСТВА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

# BUYRUQ

№ 96 «28» 04 2021

**Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида**

Шаҳарсозлик фаолиятини техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Техник кенгашининг 2021 йил 1 мартдаги 3-2021-сонли баённомасига асосан **буюраман:**

1. ШНҚ 2.05.02-07 “Автомобиль йўллари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига киритилган 4-сон Ўзгартириш иловага мувофиқ тасдиқлансин ва ушбу буйруқ тасдиқланган кундан амалга киритилсин.

2. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Д.Адилов зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **Б.Закиров**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**
**ADLIYA VAZIRLIGI**

**TEXNIK JIHATDAN TARTIBGA SOLISH SOHASIDAGI NORMATIV HUJJATLARNING HUQUQIY EKSPERTIZASI NATIJALARI BO‘YICHA**
**X U L O S A**

**ШНҚ 2.05.02-07-сон**

***1. Ҳужжатнинг тури:***

Шаҳарсозлик нормалари ҳамда қоидалари

***2. Ҳужжатнинг номи***

ШНҚ 2.05.02-07* “Автомобиль йўллари”га 4-сон ўзгартиришлар

***3. Ҳужжатни тасдиқлаган орган ва у киритилган сана ҳақидаги маълумот***

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири томонидан 2021 йил 5 майда 96-сон билан тасдиқланган.

***4. Ҳужжат бўйича таклиф ва эътирозлар***

Мазкур ҳужжат техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга қўйиладиган талаблар асосида киритилганлиги сабабли таклиф ва эътирозлар мавжуд эмас.

***5. Қонунчилик техникаси қоидаларига риоя қилинганлиги***

Ушбу ҳужжат “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда адлия органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 19 майдаги ПФ–5997-сон қарори ҳамда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) талабларига жавоб беради ва қонунчилик ҳужжатларига зид эмас.

***6. Масъул ижрочи***

Управление правовой экспертизы правительственных протокольных решений и ведомственных нормативных актов

Ҳужжатни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижаси бўйича

**ХУЛОСА:**

Мазкур ҳужжат билан “Автомобиль йўллари” ШНҚга умумий фойдаланишдаги ҳалқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга тааллуқли бўлмаган бошқа бино ва иншоотларни қурилиш чегарасигача бўлган масофа йўл ўқидан хар томонга (чап ва ўнг) 57,5 метрдан кам бўлмаслигини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда

Тақдим этилган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида ҳуқуқий нормалар мавжуд эмас.

Юқоридагиларга кўра, “ШНҚ 2.05.02-07. “Автомобиль йўллари шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига қўшимча киритиш тўғрисида”ги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатни ҳисобга олиш мумкин деб хулоса қиламан.

**Министр** **Davletov R. K.**

2021 года «12» мая